

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси

№ 168 (7. 557)

1991 йил 30 август, жума

Нархи 8 тийин.



Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссияси қўшма пленумининг қарори

Ўзбекистон Коммунистик партияси фавқулодда XXIII съездини чақириш тўғрисида

Мустақил сиёсий ташкилот сифатида республика Компартиясининг келгусида фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалаларнинг бутун мажмуини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Коммунистик партиясининг фавқулодда XXIII съезди шу йил 14 сентябрь куни чақирилсин. Съездга партиянинг 900 аъзосидан бир делегат сайланади, деб белгилансин. Фавқулодда XXIII съездага тайёрларлик кўриш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ваколатли комиссияси тузилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КПССнинг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги мулки тўғрисида

Республика меҳнаткашларининг кўпдан-кўп истак ва талабларини, жамиятда содир бўлаётган янада демократиялаш жараёнини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССРнинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларациясига ва СССР Президентининг «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг мулки тўғрисида» 1991 йил 24 августдаги Фармониغا амал қилиб:


ушбу Фармонни рўйбга чиқариш борасида зарур ишларни амалга ошириб, республика мулки деб эълон қилинган партия мулкнинг сақланишини ва бундан буён шу мулкдан Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ фойдаланишни таъминласинлар.

Маъмур Фармон имзоланган пайтдан бошлаб кучга кирилади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри. 1991 йил, 29 август.



Сиз суратда кўриб турган тўқувчи Раъно Алиева аввалги йилларда «Ташгортрикотажбит»нинг 7-ателъесида ишлаган эди. «Фариза» кичик корхонаси ҳақидаги хабарини эшитгач шу ерда ишлашга аҳд қилди. Ҳозирги кунда Раъно ўз ишидан мамнун.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 1991 йил пахта ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олишдан қолғозчилар ва совхоз / ходимларининг моддий манфаатдорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ҳақида қарор қабул қилди. Унга қўра машинада ва қўлда терилган пахта учун тўланадиган ҳақ оширилди, терим илгорларига сотиш учун бозор фондидан 3 мингта енгил автомашина ажратилди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати Олий Кенгашнинг Ошкоралик ва депутатлик одобы комиссиясини Олий Кенгашнинг ошкоралик масалалари қўмитасига ва Олий Кенгашнинг Депутатлик одобы комиссиясига айлантирди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

СССР Олий Кенгаши В. В. Бакатинини Давлат хавфсизлик комитетининг раиси, Е. И. Шапошниковни мудофаа вазири, В. П. Бараниковни ички ишлар вазири этиб тасдиқлади.

Украина билан Россия делегациялари ўртасида Киевда бўлган музокаралар натижасида бу икки республика ҳудудлари дахлсизлигига келишилди.

Қозоғистон Президенти Н. А. Назарбаевнинг фармони билан Семипалатинск ядровий полигони бекитилди. 1949 йилдан буён бу ерда 500 га яқин ядровий портлаш ўтказилган эди.

ХОРИЖДА

Лондонда етти тараққий этган мамлакатлар расмий вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда СССРга иқтисодий ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди.

Югославияда миллатлараро можаролар ҳамда бу мамлакат республикаларининг давлат мустақиллигига иштироки оқибатда бошланган фуқаролар уруши кўлами кенгайиб борапти.

ТОШКЕНТЛИК ҲУҚУЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

БАЙНАЛМИЛАЛЧИ ҳуқуқи сэйёҳларнинг учинчи сэйти ақинда Магнитогорск шаҳрида бўлиб ўтди. «Магнитка тоғини шори остида уюштирилган маъмур кўриқда олмаоталик, уфалик, минскилик ашлар қатори тошкентлик аш сэйёҳлар ҳам фаоллик кўрсатдилар.

Шуниси қувонарлики, ўзаро мусобедада Тошкентдан борган 208-ўрта мактаб вакиллари биринчи ўринни эгалладилар. Улар сёт кунларига алоҳида йўналишлар бўйлаб савҳатга чиқдилар. Жанубий Уралга қилинган савфар жуда мерорик бўлди.

Анбар ВАЛИЕВ.

Тошкент шаҳар партия комитетида

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ХХVIII ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

ТОШКЕНТ шаҳар партия комитети бюросининг кеча бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида навбатдан ташқари ХХVIII Тошкент шаҳар партия конференциясини чақириш масаласи кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг 1991 йил 28 августдаги қўшма пленуми қарорларига мувофиқ навбатдан ташқари ХХVIII Тошкент шаҳар партия конференциясини 1991 йил 9 сентябрда чақиришга қарор қилинди.

Конференция кун тартибига қуйидаги масалалар қўйилмоқда:

- 1. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссияси қўшма пленумининг ақунлари тўғрисида.
- 2. Ўзбекистон Коммунистик партияси фавқулодда ХХIII съездинга делегатлар сайлаш.

Навбатдан ташқари ХХVIII Тошкент шаҳар партия конференциясига 250 нафар партия аъзосидан бир делегат вакилилик мезъри тасдиқланди.

Раён партия комитетларига шу йил 5 сентябрдаги шохобча, бошланғич партия ташкилотлари партия йиғинларининг ўтказишни ташкил этиш топширилди. Улар-лишларининг ўтказишни ташкил этиш топширилди. Улар-лишларининг ўтказишни ташкил этиш топширилди.

Шу йил 7 сентябрда раён партия комитетларининг кенгайтирилган пленумларини ўтказиш тавсия этилди. Уларда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг шу йил 28 августдаги қўшма пленуми ақунлари, Ўзбекистон Коммунистик партияси фавқулодда ХХIII съездинга делегат қилиб сайлаш учун кўрсатилган номзодлар тартибни кўриб чиқиш тақлиф қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва Марказий назорат комиссияси раёсати баёнотини маъқуллаймиз

БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ

19-21 август кунларидаги ғайриконституциявий тўғриш кунларида мамлакатимизда рўй берган воқеалардан биз, оналар қаттиқ изтиробга тушдик. Фақат оналаргина эмас, балки тинчликсеварлар, фуқароларнинг барчаси изтиробланди. Ақил-идрок билан иш тутганлигимиз, ўзимиз танлаган йўлда қатъий тургенлигимиз ту-

файли мамлакатимизда тезда осойишталик қарор топди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва Марказий назорат комиссияси раёсатининг баёноти рўй оқинида иш бўлди. Чунки, ҳар бир оила ва минтақа тинч-осойишта бўлса, турмушимиз шунчалик фаровон бўла боради. Биз, қариялар

ва оналар дунёда тинчлик, осойишталик ва сабр-тоқатли бўлишдан кўра муҳимроқ нарсая йўқ, деб биламиз. Шу йўлда бор тажриба ва кучимизни сарфлаш керак. Карима УСМОНОВА, Чилчозор районининг Шотурсун Гуломов маҳалласида яшовчи кўп балали нафиса оладиган она.



Маълумки, рўзномамизда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бошлиқ жумҳурият ҳукумати делегациясининг Ҳиндистонга қилган ташрифи ва икки томонлама қабул қилинган ўзаро ҳамкорлик алоқалари ҳақидаги битимлар имзоланганлиги хабар қилинган эди. Ана шу деле-

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!


Эи иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси эргага, 1991 йил 31 август кунини соат 10.00 да Ўзбекистон

ССР Президенти аппаратининг мажлислар залида очилди. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари бугун, 30 август кунини соат 10.00 дан 18.00

гача Ўзбекистон ССР Президенти аппарати мажлислар залининг фойсесида рўй-хатга олинди. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши эргага, 1991 йил 31 август кунини 9.00 да Ўзбекистон ССР Президенти аппаратининг кичик мажлислар залида бўлади.

МАНЗИЛ ЯҚИН БЎЛАДИ

КЕЧА Юнусобод бозоридан Чимкент тракти, Қорақамаш, Юнусобод даҳасининг 9, 10 ва 11-манзеларидан «Зенит» заводига бунёд этилган янги трамвай йўлидан трамвай йўналиши синовдан ўтди. Ушбу йўналиш бўйича мунтазам ҳарат қатнови 1 сентябрдан бошланади.



қиб кутган йўловчиларнинг бундан буён бекатларда трамвайларни кутиб қолмасликларини учун трамвай-троллейбус бошқармаси жамоаси қўлидан келган барча ишларни бажаришни ўз зиммасига олган. Лола ҚОДИРОВА. Суратда: янги трамвай йўлидаги дастлабки қатнов. Тўққин Каримов суратлари.

Обуна-92 КЕРАКЛИ ТОШНИНГ ОҒИРЛИГИ ЙЎҚ

1992 йилнинг рўзнома ва ойномаларига обуна баҳосининг яна ошганлиги ҳаммага маълум. Аммо кишилар ўзи ёқтирган рўзномаларга ҳозир ҳам обуна бўлишмоқда.

Мен илгари етти, саккиз хил рўзнома ва ойномаларга обуна бўлган кишилар ҳақида турли хабарлар ёзиб келганман. Ана шу зиёли оилалар билан учрашиб 1992 йилда нархи ошиб кетган рўзнома, ойномаларга обуна бўлиш, бўлмасликлари ҳақида гаплашдим.

Биз ҳар йили оиламиз билан 4—5 хил рўзнома, 3—4 хил ойномаларга обуна бўлиб келганмиз. Демак, улларга жуда ўрганиб қолганмиз.

Шу кунгача «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Тошкент оқшом», «Фан ва турмуш» рўзнома ва ойномаларига обуна бўлдик, — деди уруш, меҳнат фахрийиси Сайфуддин Иброҳимов.

Керакли тошнинг оғирлиги йўқ, дейди халқимиз. Шундай экан, ҳар йилдагидек, 1992 йил учун ҳам керакли рўзнома ва ойномаларга алобатта обуна бўламиз. Ярим асрдан ортиқ вақт рўзнома, ойномалар билан доимо мулоқотда бўлиб келган киши, ундан акрალიни мумкин эмас, — деди СССР халқ татлими аълочиси Тошўлат Усмонов.

Мен, Мавжуда Абдуллаева, Шоира Саъдуллаева, Фарид Абдуваимова, Сирожиддин Мақсудов каби ўнлаб ҳамкасбларим билан суҳбатлашганимда улар «Тошкент оқшомига» обуна бўлганликларини аён алобатта обуна бўлишликларини айтдилар.

Сўзтаъла СУЛТОНОВ.



«Оқшом»га ёзиламан, агар...

1992 йилги рўзнома ва ойномаларга обуна давом этмоқда. Обуна баҳосининг нархи кўтарилган бўлишига қарамай, рўзномаларнинг ҳар бирининг ўз мушаррийлари бор. Муҳбиримиз «Оқшом» мушаррийларидан бир гуруҳи билан келгуси йилги обунага ёзилиш вақтида мулоқотда бўлди.

Йўлдош АЛИЕВ, пенсионер: «Оқшомга» набирам ёзилиб келгач анча кўнглим таскин топгандай бўлди. Негани кейинги йил у бизнинг оилага доимо ҳамроҳ. Рўзнома саҳифасида одоб-ахлоқ, айниса меҳр-оқибат ва инсоф-диёнатга чақирувчи лавҳа ва ақновларни кўпроқ ўқийшни истардик.

Турсунбой ОТАНАЗАРОВ, ҳуқуқшунос: «Оқшомни» очини 1987 йилдан бери ўқийман. Совет Армияси сафидан қайтгач Тошкентга ўқишга келдим. Асли фарғоналикман. Оиламиздагиларнинг ҳаммаси отам бошлиқлигида барча рўзномаларини ўқиб борамиз. «Оқшом» ҳақида айтиб шу рўзноманинг айрим сонларидан отамга юбориб тура бошладим. Отам худлик билан бу рўзномага обуна бўлиш кераклигини айтдилар. Лекин Фарғона шаҳрида бунга имкон бор экану, чевка кишлоқларига етказиб беришга лимит йўқ эканлими. Нега бошқа рўзномаларга бору, бизнинг «Оқшомга» йўқ!

Лекин шундай бўлса ҳам, барибир «Оқшомга» ёзиламан, фақат кўпроқ аччиқ ҳақикатни, ҳуқуқ мавзуларига оид материалларни, «қўйди-чиндиларга чек қўйилгани керак бўлган мақолаларини ўқийшни истайман.

Султоншоша БОБОЖОНОВА, ишчи: «Оқшом» учун олти ойга ёзиладим. Агар «Одобнома» ва «Назорат» саҳифаларида бошларининг етим қилаётган оналарга берилган жаза ва уларнинг ўзи ҳақида ва шу айбонинг муҳдиҳ ақволга тушишига нима сабаб бўлганлиги тўғрисида очиқ ёзилиб, чоп этилса обунани яна давом эттирган бўлардим.

Сўзтаъла СУЛТОНОВ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ АЗИЗ МУШАРРИЙЛАРИ! БИЗНИНГ ИНДЕКС — 64690 Бир йиллик обуна нархи — 25 сўм 68 тийин, ярим йилга — 12 сўм 84 тийин, уч ойга — 6 сўм 42 тийин. Обуна Ўзбекистон ҳудудида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

ДАМ ОЛИШ ОҚШОМИДА

ДАМ ОЛИШ ОҚШОМИДА

ДАМ ОЛИШ ОҚШОМИДА

СССР Олий Кеңаши шу йил июль ойида «Корхоналарни давлат ихтиридан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий негизлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилди. Мазкур ҳужжатда таъкидланганидек,

Қонуни:
давлат мулкнинг яқка ҳоқимлигини бартаф этинга; фуқароларнинг мулкчилик шакллари хилма-хиллиги асосида ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотларнинг эгаси бўлиб қолиши учун ҳақиқий имкониятни таъминлаш;

эркин ишбилармонлик фаолияти, ижтимоий соҳани қўллаш, самарали бозор иқтисодиётини шакллантириш учун шарт-шароит яратишга қаратилган.

Нима учун корхоналарни давлат ихтиридан чиқариш ва мулкни хусусийлаштириш керак бўлиб қолди?

Гап шундаки, маъмурий-буйруқбоилқ усули бир текисликка ўта майил эди. Айтайлик, бирор корхонага ишбилармон, ташаббускор раҳбар келиб, бу ерда туз ўзгартирилари асосда охиради. Натигада корхона катта даромад ва фойда олади. Бироқ ана шу муваффақиятларни таъминлаган жамоа ўз меҳнати самарасидан тўлиқ фойдалана олмасди. Вазириликлар, идоралар ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўлиб, жамоа ишлаб топган фойдани асосий қисmini тортиб оларди. Бу маблагдан ишлаб чиқариш издан чиқарилган, қўшиб ёзишлар, ўғрилликлар палак отган корхоналарнинг зарарини қоплаш учун ҳам фойдаланиларди. Фойда келтирса-келтирмас оё сайин тайин маошини олиб турган, қолверса ташма-чиликдан мўмайгина даромад ундиратган ходимлар корхонадаги аҳволни ўзгартириш учун жон-жаҳди билан тиришадими? Албатта, йўқ.

Бозор иқтисодиёти алифбоси

МУЛКНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда Совет Иттифоқида 80-йилларнинг охирига келиб жами саноят корхоналарининг деярлик 40 фоизи зарар кўрадиган ва наамрентабелли экан. Бозор муносабатлари шароитида уларнинг ҳаммаси насодга учраши табиий ҳол эди. Бизда эса улар ҳамон давлат томонидан ажратилган маблагни совориб ишлаб турибди.

Қишлоқ хўжалигидаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Мутахассислар ҳозир мамлакат деҳқончилик санюати мажмуининг умумий қарзи 82 миллиард сўмини ташкил этишини айтмоқдалар. Ҳатто бизнинг республикамиз шароитида ҳам қарага ботган қолхоз ва совхозлар бор. Айни пайтда сиз бирор одам ўз томоғисизда қандайдир маҳсулот етиштириши ёки чорва боқибдиани эиён олиши мумкинлигини тасаввур қилиб кўрин-а!

Аmmo биз қанчадан-қанча корхоналар, хўжаликлар катта фойда олаётганлиқларини ҳам ёлдан чиқармаслигимиз керак. Бугунги кунда уларни давлат ихтиридан чиқариш ва хусусийлаштириш оғилона бўлмасди. Шу сабабдан ҳам бу тадбир энг аввало ўша зарар келтиратган ва наамрентабелли корхоналарни хусусийлаштиришни кўзда тулади. Бу жараёни Ўзбекистонда ҳам бошланмоқда. Дастлабни хусусий корхоналар, пўқонлар, манший хизмат кўрсатиш ишшоолари пайдо бўлди.

Корхоналарни давлат ихтиридан чиқариш жараёни қандай бўлиши керакнинг ҳақида жуда кескин баҳслар, тортишулар бўлиб ва бўлмоқда. СССР Қонунида давлат ихтиридан чиқарилган корхонани энг аввало шу корхона меҳнат жамоаси, айни пайтда бошқа фуқаролар, хўқуқий шахслар, хоржий хўқуқий шахслар ва фуқаролар ҳамда фуқароларни бўлмаган шахслар сотиб олишлари мумкинлиги кўрсатилган. Бу хўқуқдан мазкур корхонада 7 йил ишлаган нафаҳахўрлар ҳам фойдалана оладилар.

Аmmo ҳамма гап давлат ихтиридан чиқарилган корхоналарни сотиб олиш учун пулни қардан олишида қолган. СССР Қонунида бунинг учун фуқароларда ва хўқуқий шахсларда мавжуд бўлган ҳар қандай ўз маблаг ва қарага олган маблаг, шунингдек мазкур мақсадлар учун чиқарилган махсус тўлов маблагларидан фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган. Бу махсус тўлов воситалари (сертификатлар, купонлар ва бошқалар) хусусида кейинроқ тўхталамиз.

Ҳозир эса ерга мулкчилик муаммоси ҳақида икки оғиз гап. Маълумки, Ўзбекистон ССРнинг «Ер тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ер Ўзбекистон ССРнинг мулкдир. Бу жуда тўғри. Чунки ерга хусусий мулкчилик қонулаштириб қўйишда, шу қадар чигал муаммолар пайдо бўлади-ки, бунинг оқибати нимага олиб боришини тасаввур этиб бўлмайди. Биринчидан, республикада ер, айниқса сугориладиган ер чекланган. Кейин, ерга хусусий мулкчилик бўлса сув қандай тақсимланади? Дастлабни пайтда турди сабабларга кўра ерни арзон-гаровга харид қилган кимсалар кейин ерни олдир-сотиб манбаи қилмаслигига қандай нафолат бор...

Бозор муносабатларининг қарор топириш учун мулкчиликнинг турли шакллари билан бирга хилма-хил биржалар ҳам керак.

Эркин МАДИЕРОВ.

Бозор иқтисодиёти алифбоси

МУЛКНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Едномапар

ОТАНИНГ ИБРАТ ЙЎЛИ

САҲИЙ дарё икки соҳилидаги яшилликни яшатиб ўтгани каби, яхши одамлар ҳам умр бўйи жон фидо қилиб қўлчиллигини бахт-саодати учун, эрк учун, овозлик учун, бу дунёда одамзот бахтиёр илашини учун куралишида, бундай инсонларнинг номили тилдан, руҳларидан ўрин олади. Қўрайликлар Исҳоқ ота Бадалмухаммад ўзининг кўплаб фазилати насоратларини ҳамон таъриф-таъсиф этиб юришадди.

Исҳоқ ота ниқилоб йили ўн олти ёшга тўлган нафисдор йигирча эди, ўша йиллари саводини чиқариб, Тошкентдаги хунарманчилик-техникум артезидаги ишчиларнинг оғир ҳаётидан, деҳқонларнинг ялғизи тақдиридан сабоқ олди. У теъдда саводини ишчиларнинг ҳарбий қурулғорлар сирларини, ишчилардан рус тилини ўрганди, ҳаётга айландирок билан қаради, халқимиз озолинка чиқарганини, деб фуқаролар урушида қатнашди. Тошкент атрофида, Вурчмулла, Сяжжақ, Нанай каби қишлоқларда Осинов тўдаларини тормор этишда қатнашди.

Тинч қурилиш йилларида Исҳоқ ота фирка ва шўро ташкилотларида сабот билан сийдиқдан ишлади. 10-ўрта мактабга директорлик қилди, умр йўдошини Фулфия ая билан тўққиз фарзандини тарбиялаб волга етказди.

— Дадамиз она-Ватан бахти-саодати учун чинакам фидокор бўлганларидан фахрланаман, — дейди Исҳоқ отанинг ўгли Адҳам. — Кексалар эслаб, дадамнинг насоратларини, эл-юрта қилган яхшиликларини гапираришди. Осиёшталик йиллари жамоа хўжалиқларини тузиш, қамбағалларга ер бериш, маорифни ривожлантиришда дадам кўп меҳнат чекина эканлар... Биз, тўққиз фарзандимиз, яхши меҳнат қилиш, ҳалол илашга ўргатилган. Ҳозир олтинчи сабабларни, ўйлаб эвара-чараларни боболари нздан боришарди.

— Эл-юрт бахт-саодати учун курашган Исҳоқ ота Бадалмухаммад ўгли наби ҳалол, намир, сидиқидил ишчилар одамлар дилида яшайди. Отаниннинг ўғиллари — Ҳотам иши, Адҳам — тиббиёт ҳодими, Шўхратилла Ички ишлар вазириликда, қолган фарзандлари «Ўзбек Ўзбекистон» жамоа хўжалигида, Тошкент трактор заводида ишчи бўлиб, ҳалол ҳаёт таъини суришарди.

Ота нздан бораётган фарзандлар халқ турмушини яхшилашга чин дилдан кўпчилик қатори ўз хисса-кўпчилигини қўшибмоқда, отанинги ибратли йўли бутун бир авлодни нурли йўлдан бошлаб боришти.

Тоҳир АШРАПОВ.

ИЛҒОРЛАРГА ЙЎЛЛАМА

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатининг комсомол комитети корхона ишлаб чиқаришларида алоҳида эътибор қўрсатган ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Ярим йиллик иш натижалари ҳақида юқори меҳнат кўрсаткичларига эришган ёшлар турли хил совғалар, йўлланмалар ва фахрий ёрликлар билан таъдирланмоқда.

Йилда корхона комсомол комитети котиби Турғун Ербоёев корхона ишлаб чиқаришларида ўз меҳнатлари билан юксак кўрсаткичларга эришган 60 нафар комсомол аъзосига республикамизнинг тарихий обидалар шахри Са-

ЯНГИЛИК ИЗЛОВЧИЛАР

ЎЗБЕКИСТОН тўқимачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида ишчи-хўжалик ва тақомиллаштирувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Корхонада ҳар бир техника ингилигида алоҳида эътибор билан қараб, уларни амалиётда кенг қўллашга эришилмоқда.

Бир гуруҳ янгилик яратувчилар бирлашма лабораторияси шароитида агрегатларнинг айрим қисмларини арзон материаллар ҳисобига алмаштириш тақлифи билан чиқдилар. Бу ижодкорлик ҳаракати Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли соҳа илмий муасса-

Ҳаёт сабоқлари

САЛОМГА АЛИК

ИНСОННИ меҳнат, одобни яхши фазилат беғайди, дейди халқимиз. Одоб белгиси бўлган салом ҳақида кўп ёзилди. Балки бугун бировлар айтганидек мен бу мавзуда ёзишга илтиҳ қиларман. Биз вақтларда катта ёшли одамларнинг: «Ҳозирги ёшлардан саломни сўраб оласан» деган гапларини эшитиб қоларман. Ҳамма ёшлар ҳам бир хил эмас, албатта.

Мени ўйланттириб келадиган нарсалар бундан сел фарқ қилади. Салом берилганда алик олмиш шарт бўлган одам тўлиқ алик оладими? Тўғри, қарз саломни доим бериш керак. Салом берилганда олинмайдиган аликларнинг «Ваалайкум...», «Ваалайкум ас...», «Баъзиларнинг фақат «Салом» деб қўйишларини ёки умуман алик олмасдан қўйишларини кўп учратдим. Мен қарз саломни миннат қилмаганим йўқ, асло бундай қилишга ҳеч кимнинг ҳақиқи ҳам йўқ. Нима учун баъзилар тўлиқ алик ол-

майдилар демокриман, холос. Ахир бу ҳам аҳамиятга молик эмасми? Катталар ишлардан саломни тўлиқ эшитишларини истаганларидек, ёшлар ҳам ўз вақтида улардан (баъзилардан, албатта) тўлиқ алик эшитишни истайдилар деб ўйлайман.

Яқинда бир одамга салом берганимда инди мағанидан сўнг, «Алик олдингизми?» деб сўради. У эса-салом алик олмиш учун берилмаслигини айтиди. Уша пайтда атрофда бўлган катта ёшли ёшларга инди мағаниликлари учун ҳайрон қолдим. Биров ундай деса, яна бирови, «Алик олмасам, бошига шугал ёғилариди деб айтса, охири нима бўлади! Ақлу идрок, фаҳу-файласофат сабоқда қайққа қараймиз, ахир?! Юқоридагидек жавобларни эшитганимдаги аҳволимни бир ўзим билдим. Одоб белгиси — салом сўзлар ичиде гавҳар экан, унга бўлган эътиборимизни йўқотмайлик!

Муҳайё АЛИМОВА.



«Оқшом» учун махсус ёзилган



Ўзбекистон ССР Президентини Хиндистон мустақиллиги учун толмас курашчи ва шу мамлакатнинг биринчи Бош вазири бўлган Жаҳоқаралы Неру хотирасини эсга олиб гулчамбар қўйди. Унда қўйидаги сўзлар ёзилган: «Хинд халқининг буюк фарзанди Ж. Неруға».

Ана шу буюк сиймолар ишнинг изчил давомчилиги, тарихда тинчликни селаш учун толмас курашчилардан бири, ўзбек халқининг чинакам дўсти, яқинда террорчилар томонидан уюштирилган суиқасд натижасида ҳалок бўлган Ражиб Ганди танаси оловда қуйдирилган «Шахтисхта»да ҳам бўлиб, гулчамбарлар қўйди.

Биз ҳар бир учрашуда таъриф буюрар эканмиз, Хиндистоннинг қадимий ва нафисдор пойтахти билан илоизи борича яқиндан танишишга ҳаракат қилардик.

Ҳар қандамеда шаҳарнинг минг йиллик тарихига дуч келасиз ва ҳар бир чоррақада унинг кўрк-жамолиги маҳият бўласиз. Қувш зинсидан гиштиларни мисдек қизил қадимий қалъалар, мақбаралар, масжидлар ва саройларни шаҳарнинг барча қудуқинда учратиб мумкин. Қадимий ноилар узоқ ўтмиш даврларни эста солди. Шаҳарнинг кенг кўчаларида ва гавкум боғларида замонавий ҳаёт қайнайди. Сағварда марказлари ва аюқиб жамоат бинолари, театрлар ва спорт ўйингоҳлари, меҳмонхоналар ва ҳуратлар, телеулар, боғлар ва кўнгилонар жойлар, Хиндистоннинг барча қисаларидан ва бутун жаҳондан келган ҳаққар вакиллари бўларин барчаси Деҳлинин гост ёркин ҳақида дундаги жоизбадор шаҳарлардан бирига айланган.

Салтанатлар тузилган ва инкирозга учраган, ҳар бир мағрур султон аёлдорнинг ҳарда ўзининг навабдаги ёдгорлигини барпо этган. Обидалар ёнига яна янги обидалар, нақшндор, ранг-баранг гишти безаклар билан қопланган қалъалар, масжидлар, оқ мармар минорали мақбаралар, саройлар қўйилиб борган.

Ҳозирги Деҳли қудуқинда етти шаҳар мавжуд бўлганлиги тўғрисида риоват бор. Лекин тарих улар ниқдордан бундан ҳам кўп эканлиги ҳақида гувоҳлик беради. Қадимий манбаларга қараганда ҳозирги Деҳлининг ўрни Махабхарата эпосининг қаҳрамонлари Пандеулар салтанатининг пойтахти Индрапаста қишлоғи бўлган. 400 йиллик қалъа Пуран Қил қалъаси қудуқинда олиб қорилган қалъаман ишлари бу риоват ҳақиқатга тўғри келишини тасдиқлайди. Қўлзма манбаларига қараганда шаҳар XII асрда барпо этила бошланган. У Локот рақулар қалъаси билан узвий боғланган. Унинг девор қолдиқлари хозирга мавжуд. Ана шу жойда Деҳлининг биринчи мусулмон қандор Кутуб-уд-Дин Ойбек ўзининг машҳур Кутиб Минор амонрасини барпо этган. Ундан кейинги хўқдорлар ҳам ўз минораларини ундан юксакроқ бўлишига ҳаракат қилганлар. Кутиб Минор ҳозирги кунда Деҳлининг рақларидан бири сифатда машҳурдир. Бу тарихий обидаларни делегация аъзолари катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

Жаббор РАЗЗОҚОВ,
Тошкент—Деҳли—Агра—Тошкент.
СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон ССР Президентини И. А. Каримов бошлиқ делегация аъзоларининг Хиндистонга сафаридан лавҳалар.

Муаллиф суратлари.
[Давом и бор].

Хафталик кўрсатувлар

Душанба, 2

18.00 ЯНГИЛИКЛАР. 18.10 «Леопольд исми мушунинг сайри»...

Бадий фильм [Одесса киностудияси]. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

14.30 ТСН. 14.45 «ЖАЛА». Телевизион бадий фильм [«Ўзбекфильм»].

МАРИНЛАР, ОЛГА. Тўрт сериал телевидение бадий фильм [«Мосфильм»].

18.15 «НУҚТАН НАЗАР». «Публицист» студиясининг мунозара клуби.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги «ФОТОН» ишлаб чиқариш бирлашмаси негиздаги 39-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

30 АВГУСТ Фуқрат (Чайка) — «ФАН-ТОМАС» (тоқ соатларда, 20.45).

Сешанба, 3

8.00 «АХБОРОТ». 8.25 «Соглом бўлай десангиз». 8.35 «КҮЛ БҮЙИДА».

19.30 «АХБОРОТ» [рус тилида]. 19.50 «Крим тоғларининг кузги мамони».

14.30 ТСН. 14.45 «КОМАНДИРОВКА». Уч сериал телевидение бадий фильм.

18.15 «Кўзача». Мультифильм. 19.25 «ГАРДЕМАРИНЛАР, ОЛГА».

19.15 «Кўзача». Мультифильм. 19.25 «ГАРДЕМАРИНЛАР, ОЛГА».

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ (қизлар)ДА ЯШАЙДИГАН 9—11-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БҲИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

31 АВГУСТ Фуқрат (Чайка) — «ФАН-ТОМАС» (тоқ соатларда, 20.45).

Чоршанба, 4

8.00 «АХБОРОТ». 8.25 «Соглом бўлай десангиз». 8.35 «КҮЛ БҮЙИДА».

19.30 «АХБОРОТ» [рус тилида]. 19.50 «Крим тоғларининг кузги мамони».

14.30 ТСН. 14.45 «КОМАНДИРОВКА». Уч сериал телевидение бадий фильм.

18.15 «Кўзача». Мультифильм. 19.25 «ГАРДЕМАРИНЛАР, ОЛГА».

19.15 «Кўзача». Мультифильм. 19.25 «ГАРДЕМАРИНЛАР, ОЛГА».

Бундан ташқари, 9-синф маълумотидаги йигитлар ва қизлар 2 йиллик тажрибавий гуруҳга қабул қилинади.

31 АВГУСТ, 1 СЕНТЯБРДА ТОШКЕНТ РУС ЕШ ТОМШАВИНЛАР ТЕАТРИДА

Пайшанба, 5

8.00 «АХБОРОТ». 8.25 «Соглом бўлай десангиз». 8.35 «КҮЛ БҮЙИДА».

19.30 «АХБОРОТ» [рус тилида]. 19.50 «Крим тоғларининг кузги мамони».

14.30 ТСН. 14.45 «КОМАНДИРОВКА». Уч сериал телевидение бадий фильм.

18.15 «Кўзача». Мультифильм. 19.25 «ГАРДЕМАРИНЛАР, ОЛГА».

19.15 «Кўзача». Мультифильм. 19.25 «ГАРДЕМАРИНЛАР, ОЛГА».

40-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БҲИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ФАН ВА ТЕХНИКА УИИ немис тилини ўрганиш бўйича (бошловчилар учун)

Жума, 6

8.00 «АХБОРОТ». 8.25 «Соглом бўлай десангиз». 8.35 «КҮЛ БҮЙИДА».

19.30 «АХБОРОТ» [рус тилида]. 19.50 «Крим тоғларининг кузги мамони».

14.30 ТСН. 14.45 «КОМАНДИРОВКА». Уч сериал телевидение бадий фильм.

18.15 «Кўзача». Мультифильм. 19.25 «ГАРДЕМАРИНЛАР, ОЛГА».

19.15 «Кўзача». Мультифильм. 19.25 «ГАРДЕМАРИНЛАР, ОЛГА».

резисторларни йиғувчи, техника назорат-бўлими назоратчини, кенг қаровли дастгоҳоз (токарь, фрезерчи, йўнувчи, пармаловчи), чизмачи-конструктор, технология ускуналари соловчи, лримўқағичли асбобларни йиғувчи.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АХОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА ҚАСБГА НЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

Шанба, 7

8.00 «АССАЛОМУ АЛАЙКУМ». 9.00 «Биргалликда куйлаёмиз».

19.30 «АХБОРОТ» [рус тилида]. 19.50 «Крим тоғларининг кузги мамони».

14.30 ТСН. 14.45 «КОМАНДИРОВКА». Уч сериал телевидение бадий фильм.

18.15 «Кўзача». Мультифильм. 19.25 «ГАРДЕМАРИНЛАР, ОЛГА».

19.15 «Кўзача». Мультифильм. 19.25 «ГАРДЕМАРИНЛАР, ОЛГА».

Ўқиниш 15 ва ундан катта ёшдаги 9—11 синф ҳажмида маълумоти йигит-қизлар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АХОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА ҚАСБГА НЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

Якшанба, 8

8.00 «АССАЛОМУ АЛАЙКУМ». 9.00 «Биргалликда куйлаёмиз».

19.30 «АХБОРОТ» [рус тилида]. 19.50 «Крим тоғларининг кузги мамони».

14.30 ТСН. 14.45 «КОМАНДИРОВКА». Уч сериал телевидение бадий фильм.

18.15 «Кўзача». Мультифильм. 19.25 «ГАРДЕМАРИНЛАР, ОЛГА».

19.15 «Кўзача». Мультифильм. 19.25 «ГАРДЕМАРИНЛАР, ОЛГА».

Вилм юрти битирувчилари Тошкент булка-қандолат комбинати, «Уртоқ» қандолатчилик фабрикаси, Тошкент совбавот-савдо бирлашмасига, Тошкент шаҳар ошқоналари трестларига ишга юборилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АХОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА ҚАСБГА НЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

Тошкент оқшоми. МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Комитети. ТЕЛЕФОНЛАР: кабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79, ижтимоийлик кабулхонаси — 32-55-83.